



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Холбеков Муҳаммаджон
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Главный редактор:
Холбеков Мухаммаджон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Editor in Chief:
Kholbekov Muhammadjan
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Тўхтасинов Илҳом
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:
Тухтасинов Илхом
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Deputy Chief Editor
Tuhtasinov Ithom
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Таҳрир ҳайъати:

Редакционная коллегия:

Editorial Board:

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Боқиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Юсупов Ойбек
масъул котиб, доцент
(Ўзбекистон)

Юсупов Ойбек
доцент (Узбекистан)
отв. секретарь

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior
Secretary

Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

- 1.Карабаева Б.Б.**
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....5
- 2.Мавлонов О.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА.....11
- 3.Маннонова С.А.**
РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
СУБЖАНРЛАРИ.....19
- 4.Мўминова Д.А.**
ДЕЙКСИСНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ.....26
- 5.Тоирова Д.Ф.**
ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ
ЭТИШ.....38
- 6.Shukurova В.В.**
NAZAR ESHONQUL NI KOYALARIDA KONTRAST USULINING
AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY ASPEKTLARI.....45

Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

- 7.Жуманова Д.Қ.**
МУМТОЗ ҲАЗАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ.....52
- 8.Назаров С.Ҳ.**
Й.В.ГЁТЕ "ФАУСТ" АСАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРА ТАҲЛИЛИ.....58
- 9.Шофиев О.**
ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ (Эркин Аъзам ижоди мисолида)..66
- 10.Юлдашева Д.М.**
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИИЙ- ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ..75

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

- 11.Муҳамедов Х.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШИ (ҲАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ "ТИЛ ВА ТАРЖИМА"
МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА).....81


МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

12. Гулямова Г.Я. БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ХУСУСИЯТИ.....	87
13. Мирзаахмедова М.Й. ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР.....	94
14. Улмасбаева М.А. КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ.....	105
Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism	
15. Музаффарова С.Х. МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ, МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида).....	113
16. Мусаева Н.А. ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА).....	118
17. Ходжиматова М.К. СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ.....	123
18. Ибрагимова У. ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ.....	129
Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology	
19. Зоирова Д.А. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	135
20. Иканова Л.С. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	145
21. Хасанова Д.К. ХАЛҚАРО PIRLS БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЎҚИШ ВА ЁЗУВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИ.....	152
22. Имамова У.М. ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	162

**СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART**

Мусаева Нодира Азизовна,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети докторанти

**ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ
("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИХАСИ АСОСИДА)**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5-16>

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон азалдан дунё цивилизациясида асосий ўрин эгаллаган. Мамлакатимизнинг қулай географик жойлашуви барча соҳаларда, жумладан, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланишда, савдо-сотиқ ишларида Хорижий сармоядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун кенг қулайлик яратади. Бундай имтиёз ва имкониятлар дунё ишбилармонлари ва амалдорларининг Ўзбекистонга қизиқишини тобора оширмақда. Айниқса, Қадимда Буюк Ипак йўли ҳам айнан кўҳна шаҳарларимиз орқали ўтиб, Шарқий Осиёни Ўрта Ер денгизи минтақаси билан боғлаган. Буюк ипак йўли нафақат ҳудудлар ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини, балки давлатлар ва қитъалар ўртасида ахборот алмашувини таъминлашга хизмат қилган, шу тариқа цивилизациялараро мулоқот учун шарт-шароитлар яратилган. Шундай экан, Ўзбекистон Хитойнинг энг ишончли ҳамкорларидан биридир. Бу ҳақда нафақат ўзбек матбуотида, балки Хитой матбуотида ҳам кенг ёритилмоқда.

Калит сўзлар: "Бир макон, бир йўл", Ўзбек-Хитой муносабатлари, хитой матбуоти, Буюк Ипак йўли.

Мусаева Нодира Азизовна
базовый докторант Узбекского университета
журналистики и массовых коммуникаций

**СВЕЩЕНИЕ УЗБЕКСКО-КИТАЙСКИХ ОТНОШЕНИЙ В
КИТАЙСКИХ СМИ
(ПО ПРОЕКТУ "ОДИН ПОЯ - ОДИН ПУТЬ")**

АННОТАЦИЯ

Узбекистан долгое время был крупным игроком в мировой цивилизации. Выгодное географическое положение страны создает широкие возможности для активной и свободной работы иностранных инвесторов во всех сферах, включая политическое, социальное, экономическое и культурное развитие, торговлю. Такие выгоды и возможности повышают интерес бизнесменов и чиновников мира к Узбекистану. В частности, Великий шелковый путь в древние времена также проходил через наши древние города, связывая Восточную Азию со Средиземноморским регионом. Великий шелковый путь служил не только для облегчения торговли между регионами, но и для обмена информацией между государствами и континентами, создавая тем самым условия для межкультурного диалога. Поэтому Узбекистан является одним из самых надежных партнеров Китая. Об этом широко сообщается не только в узбекской прессе, но и в китайской прессе.

Ключевые слова: "Один пояс - один путь", Узбекско-Китайские отношения, китайская пресса, Великий шелковый путь.

Мусаева Нодира Азизовна

basic doctoral student of the Uzbek university
journalism and mass communication

**COVERAGE OF THE UZBEK-CHINESE RELATIONS IN THE CHINESE MEDIA
(FOR THE PROJECT "ONE BELT - ONE WAY")**

ANNOTATION

Uzbekistan has long been a major player in world civilization. The favorable geographical position of the country creates wide opportunities for active and free work of foreign investors in all areas, including political, social, economic and cultural development, trade. Such benefits and opportunities increase the interest of businessmen and government officials in Uzbekistan. In particular, the Great Silk Road in ancient times also passed through our ancient cities, connecting East Asia with the Mediterranean region. The Great Silk Road served not only to facilitate trade between regions, but also to exchange information between states and continents, thereby creating conditions for intercultural dialogue. Therefore, Uzbekistan is one of the most reliable partners of China. This was widely reported not only in the Uzbek press, but also in the Chinese press.

Keywords: "One belt - one way", Uzbek-Chinese relations, Chinese press, the Great Silk Road.

Ўзбекистон азал-азалдан Буюк Ипак йўли чорраҳаси, жуда кўплаб савдо йўналишлари кесишган, маданиятлар алмашадиган маскан бўлган. Қадимий Хитой манбаларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган шаҳарлар сифатида қайд этилган.

Шу маънода айтганда, Хитой Халқ Республикасининг "Бир макон, бир йўл" ташаббуси минтақа давлатларининг узоқ муддатли иқтисодий манфаатларига қаратилгани билан муҳимдир. Айтиб ўтиш жоизки, Пекиннинг "Бир макон, бир йўл" лойиҳаси учта қитъанинг 60та давлатини қамраб олади. Янги Ипак йўлини

ташкил қилиш ғояси Си Цзиньпин томонидан 2013 йилнинг 7 сентябрь куни илгари сурилган эди. Буюк Ипак йўли эрамиздан аввалги 2 асрда пайдо бўлган. Бу йўл Хитойдан бошланиб Марказий Осиё мамлакатлари, Ҳиндистон, Эрон, Греция, Кавказ давлатлари орқали Европагача етиб борган. Режага кўра, Хитойни Европа билан боғловчи янги Буюк Ипак йўли ўтадиган мамлакатларнинг инфратузилмалари ривожланишига Хитой сармояларини киритиш кўзда тутилади. Бу борада ҳукумат мамлакатдаги компанияларни рағбатлантириш йўлида бир қатор чора-тадбирлар кўрилишини эълон қилди. Хитой мамлакат бозорларини учта қитъа билан боғловчи инфратузилма барпо этиш йўлида махсус Жамғарма ташкил этишга қарор қилди. Таҳлилчиларнинг сўзларига қараганда, Жамғарманинг маблағлари Хитой вилоятларида темир ва автомобил йўллари, қувурлар қурилишига сарфланади. Бунда биринчи навбатда Хитойнинг "кўҳна қитъа" мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари учун зарур бўлган денгиз ва қуруқликдаги йўлларни ривожлантириш стратегияси инobatга олинади. "Хитой билан газ транспортида ҳамкорлик қилиш ва интеллектуал мулк улуши юқори бўлган қўшма корхона яратиш асосан Ўзбекистонда ривожланмоқда"[1], дейилади Хитойнинг "People's Daily" нашрида. Лойиҳага кўра, Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Жанубий Осиё, Жанубий-Шарқий Осиё ва Европанинг айрим минтақалари молиялаштирилади.

"Хитойнинг Буюк Ипак йўли лойиҳаси энг муҳим ташаббусидир. Бу қўллаб давлатлар ва дунёнинг барча минтақлари ривожланишининг турли соҳаларига таъсир қилади: хавфсизлик, ижтимоий-маданий, сиёсий, дипломатик ва цивилизация жараёнларига. Шу билан бирга, Хитой ўзининг геосиёсий мақсадларига расмий даражада эътибор бермасликни афзал кўради.

"Бир макон, бир йўл" ғояси мустақкам маданий ва цивилизация базасига эга: иштирок этаётган мамлакатларнинг Буюк Ипак йўлини ривожлантиришдаги иштироки тарихий жараёндир, масалан, Марказий Осиё мамлакатлари, Хитой ва Покистон каби иқтисодий ва сиёсий имкониятларга эга бўлган давлатлар учун кучли бирлаштирувчи омилдир.[2,130с]

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз ичида транспорт-инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш, транзит йўлаклари тизимини яратиш, мавжуд йирик халқаро ҳамда истиқболли бозорларга олиб чиқадиган янги ва самарали йўналишларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда транспорт-логистика инфратузилмасини равнақ топтириш учун фаол инвестициявий сиёсат олиб бориш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан, "Бир макон, бир йўл" лойиҳасида иштирок этиш мамлакатимизнинг стратегик мақсадларини рўёбга чиқаришда катта имконият яратади.

Жумладан, Хитойда нашр қилинадиган оммабоп "Ляован" журнали ўз саҳифасида минтақамиз бўйича эксперт, Хитой Замонавий халқаро муносабатлар академияси Марказий Осиё бўлимининг мудир Дин Сяосин қаламига мансуб мақолани чоп этди. Ўзбекистон - Хитой муносабатлари ривожини хусусида тўхталар экан, Дин Сяосин чорак аср мобайнида томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик борасида катта муваффақиятларга эришганини алоҳида таъкидлайди. "Бу ҳамкорлик ҳар икки мамлакатнинг туб манфаатларига мос келади. Ўзбекистон ва Хитой тенглик,

ҳурмат, ишонч ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган ҳолда алоқаларни тобора ривожлантирмоқда", [3] деб ёзади мақола муаллифи.

Хитой компаниялари билан ҳамкорликда мамлакатимизда электр ва гидроэнергетика, нефт-газ, кимё саноати, ҳаво ва темир йўл транспорти инфратузилмасини модернизация қилиш каби йўналишларда 60 дан зиёд лойиҳа амалга оширилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокидаги 700 дан ортиқ компания ва корхоналар фаолият юритмоқда.

"Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти ва қулай географик жойлашуви мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилишга бўлган қизиқишни орттирмоқда. Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ тунели серқирра ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Бу стратегик жиҳатдан муҳим объектлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа, хусусан, Хитой ривожига алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг "Бир макон, бир йўл" лойиҳасидаги иштироки нафақат икки томонлама, балки ҳар томонлама ҳамкорликнинг кенгайтишига хизмат қилади. Биз ўзаро ишонч ва дўстликка асосланган муносабатларни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз", дейди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сун Лицзе ЎЗА мухбири билан суҳбатида. [4]

"Бир макон, бир йўл" лойиҳаси икки йўналишда - қуруқлик орқали "Ипак йўли иқтисодий камари" ҳамда денгиз йўллари орқали "XXI асрнинг денгиз ипак йўли" транспорт коридорларини ташкил этишга қаратилган. Бундан асосий мақсад қадимий Ипак йўли руҳиятини қайта тиклаш асносида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатларнинг транспорт инфратузилмаларини бирлаштириш, товар айирбошлаш учун қўшимча қулайликлар яратиш, маданий алоқалар, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдир.

Хитойда инглиз тилида нашр этиладиган "China Daily" газетасида "Бир макон, бир йўл" ташаббусида Ўзбекистон иштирокининг аҳамиятига бағишланган мақола босиб чиқарилди.

Унда қайд этилганидек, мазкур лойиҳа доирасида Ўзбекистон ва Хитой сиёсий, иқтисодий, сармоявий ва маданий соҳаларда муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда.

"Мамлакатларимиз жорий йилда дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 25 йиллигини нишонласа-да, икки томонлама ўзаро алоқаларнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Замонавий Ўзбекистон худуди қадимги Буюк Ипак йўлининг энг муҳим бўғини, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари эса савдо карвонлари учун муҳим юк тушириш ва ортиш нуқтаси бўлган", дейилади нашрда. [5]

Шу ўринда "China Daily" 2017 йил "Бир макон, бир йўл" халқаро форумида икки мамлакат ўртасида 100 дан зиёд муҳим шартнома ва битимлар имзоланганини таъкидлайди. Бу эса, икки мамлакатнинг ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларига кучли туртки беришга тайёр эканлигини намоён этади.

Хитой Халқ Республикасида чоп этиладиган яна бир "The new Silk Road review" журнали саҳифасида "Буюк Ипак йўлининг тикланиши: Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлиги" сарлавҳали мақола босилиб чиқилди. Унда Ўзбекистон ва Хитойнинг ушбу кўҳна йўл тикланишидаги ўзаро алоқалари, мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива сингари кўҳна шаҳарлари бу қадимги йўлнинг муҳим марказлари сифатида хизмат қилгани ҳолда Ипак Йўли бўйидаги давлатлар ўртасидаги цивилизациялар, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг чорраҳаси бўлгани

ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, шунингдек, "Бир макон, бир йўл" концепцияси доирасида мамлакатларимизнинг турли жабҳалардаги муносабатларига доир атрофлича маълумотлар ўз ифодасини топган.

Мақола қизиқарли тарихий воқеа тафсилоти билан бошланган. "Тарихдан маълумки, эрамиздан олдинги II асрда хитойлик сайёҳ ва дипломат Чжан Сян император У-ди томонидан Хитой армияси учун учқур ва ажойиб зотдор отларни келтириш учун Даван водийсига (Ўзбекистоннинг ҳозирги Фарғона вилояти) юборилган. Ўшанда у замонавий Ўзбекистон ва Хитойнинг буюк тарихи солномасига киришини, дунёнинг қатор халқларининг кўҳна маданиятини бирлаштиришини ўзининг хаёлига ҳам келтирмаган бўлса ажаб эмас", [6]деб ёзади муаллиф.

Маълумот тариқасида шуни ҳам қайд этиш жоизки, "The new Silk Road review" журналига 2016 йили Хитойдаги "Jenmin xuabao" нашриёти томонидан асос солинган. Бундан кўзланган асосий мақсад Ипак Йўли бўйида жойлашган мамлакатлар ўртасидаги гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзаро ахборот алмашувлари учун қулай майдонча яратиш билан изоҳланади. Ушбу журнал ҳар ойда 30 минг нусхада хитой тилида чоп этилади.

Хулоса қилиб айтиш керакки, мамлакатимиз ўзининг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти, қулай жўғрофий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, сармоя жалб этиш бўйича пухта ва ишончли стратегияси билан кўплаб давлатлар ишбилармонларининг ҳамкорликка бўлган қизиқишини оширмоқда.

Адабиётлар:

1. 中华人民共和国和乌兹别克斯坦共和国联合声明 (June 22, 2016) – // "People's Daily", June 23, 2016
2. Китайский глобальный проект для Евразии: постановка задачи (аналитический доклад). М.: Научный эксперт, 2016. 130 с.
3. <http://jahonnews.uz> 2017.05.22
4. <http://uza.uz> 2017.08.25
5. "China Daily" 2017.08.30
6. "The new Silk Road review", Хитой, 21 ноябрь 2018 й.

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000